O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 13-oktabr • Shanba • 127 (27.772) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



Остона ҳатлаб, ҳар уйга қадам қўйганда, шу уйни Худо ярлақасин, деб дуо қилинглар, «Ассалому алайкум» денглар, бу, сизга тинчлик тилайман, деганидир, тинчлик эса, ер юзида энг улуғ неъмат.

Ҳадиси Шарифдан

Ислом маданияти пойтахти — гўзал Тошкентдаги мумтоз тарихий обидалардан бири — Кўкалдош мадрасаси

ШУКРОНА ВА ШОДМОНЛИК БАЙРАМИ

Куни кеча Президентимиз Ислом Каримовнинг «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унинг муқаддимасида ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 мартдаги Фармонига мувофиқ қабул қилингани алоҳида қайд этилган. Зотан, айни ўша Фармон асосида юртимизда Рамазон ҳайитини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш анъанага айланди.

Бу — мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган улуғвор вазифаларни бажаришда миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга истиқлолимизнинг аввалидан катта эътибор қаратиб келинаётганининг яққол тасдиғидир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда яшаб, меҳнат қилаётган турли дин ва конфессия вакилларининг эътиқод эркинлигини таъминлаш учун кенг йўл очилиши давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган адолатли сиёсатнинг амалдаги натижаси бўлди.

Асосий қонунимизнинг 18, 31, 61-моддалари ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонундаги ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъминловчи, диний қарашларни мажбуран сингдиришни тақиқловчи бандлар — миллий, ирқий ва диний келиб чиқишидан қатъи назар — жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги тотувликни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Диёримиз азалдан инсоният тамаддуни, жумладан ислом дини маданияти бешикларидан бири сифатида шуҳрат топган. Бағрикенглик, осойишталик, меҳр-мурувват ғояларини ўзида мужассам этган муқаддас динимиз халқимизнинг ўзлигини англашида, кишиларни поклик ва эзгуликка чорлашда, умрбоқий қадрият ва анъаналарни асрашда беқиёс аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда ислом динининг бой маънавий ва маданий қадриятларини эъзозлашга қаратилган улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 1992 йил 27 мартдаги Фармонига мувофиқ «Ийд ал-Фитр» (Рўза) ва «Ийд ал-Адҳо» (Қурбон) ҳайитлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Истиқлол йилларида эллик мингдан зиёд юртдошимиз Ҳаж ибодатини адо этишга муяссар бўлди.

Қуръони Карим, ҳадислар тўплами ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шунингдек, Ўзбекистонда Қуръон кўзи ожизлар учун махсус брайл ёзувида нашр қилинди.

Исломий қадриятлар тикланди, иймон-эътиқодимиз ўзимизга қайтди. Энг муҳими, турли эътиқодга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат ўрнатилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамизда мавжуд кўпконфессияликнинг реал ижтимоий воқелик экани ва унинг келажакда ҳам сақланиб қолиши ҳисобга олинган ҳолда, диний бағрикенглик учун тўла шарт-шароит яратилди. Ўтган даврда юртимизда кўплаб черков, сенагога ва ибодат уйлари барпо этилди, таъмирланди.

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом олий институти (Ислом маъҳади), ўнта ўрта махсус ислом билим юрти ҳамда православ ва протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда. 1996 йил 19 майда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Тошкентда Халқаро ислом тадқиқот маркази ташкил этилди.

Ислом динига оид бой маънавий-маданий меросни асраш, диёримизда етишиб чиққан буюк алломаларнинг илмий ғоялари ва асарларини якуний ва ҳар томонлама ўрганиш мақсадида 1999 йил 7 апрелда Тошкент ислом университети, унинг қошида Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ва академик лицей очилди. Мазкур таълим даргоҳларида ислом тарихи ва фалсафаси, диний қонунчилик, иқтисод ва табиий фанлар бўйича малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Уларга таҳсил беришда дунёвий ва диний-маърифий фанлар уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Оллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига ва бутун ислом умматига равнақ ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Муҳаммад Ҳусни МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу.

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни ва эзгу истакларимни изҳор этиш менга мамнуният бахш этади.

Яратган Оллоҳ бундай саодатли онларни ислом умматига такрор ва такрор насиб этишини, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, мамлакатингиз ва унинг саховатли халқига бардавом равнақ ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз,

Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-САБОҲ,
Қувайт Давлати Амири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, биродар ўзбек халқига эса доимий равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Халифа бин Зоид Ол НАҲАЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Дўстлик ва биродарлик саломларидан сўнг,

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Жазоир халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллайман.

Қодир Оллоҳдан бизларга барча мусулмонларнинг бирдамлигини мустаҳкамлайдиган мазкур байрамнинг раҳматларидан ҳамда бандалар мағфират этиладиган Рамазон ойининг ажр-савобларидан насиб этишини сўрайман.

Оллоҳ таолодан ушбу саодатли айёмда дўст ўзбек халқига равнақ ва фаровонлик, араб ва ислом умматига яхшилик, хайр-баракот, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик ато этишини ҳамда ушбу умматнинг Шарқ маданияти ва цивилизацияси қудратини қайта тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига мадад беришини сўраб қоламан.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилайман.

Азиз биродарим, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Биродарингиз,

Абдулазиз БУТЕФЛИКА,
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Барчамиз муборак Рамазон ойини кузатиб, Ийд ал-Фитр байрамини нишонлаётган бир пайтда Сизга ва қардош ўзбек халқига Сурия халқи ва шахсан ўз номимдан энг самимий табрикларимни йўллашдан ғоят мамнунман.

Оллоҳдан Сизга бундай муқаддас байрамларни узоқ йиллар давомида соғ-саломатликда нишонлаш насиб этишини ҳамда Ўзбекистон халқи ва бутун ислом умматига баракот тилаб қоламан.

Ҳайитингиз қутлуғ бўлсин,

Башшор ал-АСАД,
Сурия Араб Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сизни ва Сиз орқали дўст Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, ўзбек халқига тинчлик, эзгулик ва тараққиёт тилаб қоламан.

Эҳтиром билан,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз ва Сиз орқали мамлакатингизнинг дўст халқига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Қудратли Оллоҳдан Сизга, Ўзбекистон халқи ва барча ислом умматига тинчлик, фаровонлик ва равнақ ато этишини илтижо қиламан.

Гурбангули БЕРДИМУҲАММЕДОВ,
Туркманистон Президенти

БУХОРОНИНГ БАРАКАЛИ ХИРМОНИ

бугунгача 360 минг тонналик тош босди

— Президентимизнинг вилоятимизга қилган ташрифи биз учун унутилмас воқеа бўлиб қолмай, кучимизга-куч, шижоатимизга-шижоат бағишлади, — дейди Қоракўл туманидаги «Фатуллабобо» фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП аъзоси Меҳриддин Фатуллаев. — Жорий йилда вилоятимиз биргина пахтачиликдан 151,3 миллиард сўм даромад олиши кутилаяпти. Бу — ўтган йилга нисбатан 16,6 миллиард сўм кўп, дегани. Бугунгача гектарлар ҳисилдорлиги 30 центнерни ташкил этмоқда. Қоровулбозор, Вобкент, Олот, Ромитан, Қоракўл, Шофиркон, Когон туманларида эса ҳосилдорликнинг ҳам, даромаднинг ҳам салмоғи янада юқори бўлаётир.

Яна бир жиҳат — Бухорода пахтачилик соҳасида ўзига хос тажриба мактаби яратилди. Олимлар деҳқонлар билан ҳамкорликда вилоят иқлими ва ер шароитига мос, толаси жаҳон бозорида ўта харидоргир бўлган ғўзанинг «Бухоро-6», «Бухоро-8», «Бухоро-102» каби серҳосил навларини яратдилар. Чигит экишда ҳам юксак агротехник усуллар кенг қўлланилиб, бу йил 95 фоиз майдонда пахтанинг туксизлантирилган навлари экилди. Пахтакорларга сервис хизмати кўрсатиш қатъий назорат остига олиниб, уларга иш ҳақи вақтида тўлаб борилди. Буларнинг барчаси бугунги ютуққа пойдевор бўлди.

Ҳали далаларда териб олинмаган ҳосил кўп. Шуни назарда тутган деҳқонлар режага қўшимча яна 30 минг тоннадан зиёд пахта териб топширишга аҳд қилишди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ҳаёти

ПАРТИЯ УЧУН СИНОВ ДАВРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ЎзХДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши муносабати билан партия ташкилотларининг сиёсий ҳамда ташкилий вазифалари муҳокама этилди. Бу ҳақда партия кенгаши раиси Атаулла Асанов маъруза қилди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида масъулиятли давр, — деди у. — Бўлажак сайлов фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини намоён этади ва демократик жараёнларда уларнинг сиёсий фаоллиги янада ўсишига хизмат қилади. Сайлов кампанияси партия учун улкан синовдир. Шундай экан, бу фаолларимиздан жуда катта масъулиятни талаб этади.

— Туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари, ҳар бир партия аъзоси сайлов кампаниясини юксак савияда ўтказиш учун ташкилотчилик, тарғибот-ташвиқот ҳамда маънавий-маърифий ишларни кенг кўламда олиб бориши лозим, — деди Ўзбекистон ХДП Қораўзак туман кенгаши раиси Қдирниязь Дўсназаров. — Бунинг учун партиямиздан сайланган депутатлар, фаолларимиз имкониятларидан кенг фойдаланишимиз зарур.

— Биринчи навбатда, Жўқорғи Кенгес депутатларининг бошланғич ташкилотлар билан олиб бораётган ишларини такомиллаштириш керак, — деди «Қорақалпоқтранс» уюшмаси раиси, Жўқорғи Кенгесдаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Ҳабибулла Худойберганов. — Сайловнинг кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм асосида ўтишини ҳисобга олсак, қандай жараён олдида турганимиз аён бўлади. Сайловда иштирокимизнинг муваффақияти бугунги тайёргарлик ишларимизга боғлиқ.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Гулистон Аннақличева, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ўринбосари, Жўқорғи Кенгесдаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Ғафуржон Ражабов ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

(Ўз мухбиримиз)

●●●

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашининг пленумида вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров сайлов мамлакатни фаол демократик янгилаш ва модернизациялаш босқичида ўтаётгани, бу халқимизнинг тарихий, маънавий, маданий анъаналари ҳамда менталитетини ҳисобга олувчи демократия миллий моделининг мамлакатимиз ҳаётига изчил татбиқ этилаётганининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади. Муҳокамаларда сўзга чиққан Урганч автомобиль ва йўллар коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Эгамберган Каримов, ЎзХДП Янгиариқ туман кенгаши раиси Раҳимжон Машарипов, Урганч шаҳридаги 18-мактаб директори Марямжон Алимова ва бошқалар сайлов жараёнларида партия кенгашлари ҳузурида тузиладиган тарғибот-ташвиқот гуруҳлари олдида турган вазифалар, аҳоли ўртасида мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларнинг асл мазмунмоҳиятини тарғиб қилиш, шунингдек, сайлаш ҳуқуқи — бу нафақат конституциявий ҳуқуқ, балки юксак фуқаролик масъулияти эканлигини тушунтириш зарурлиги ҳақида тўхталдилар. Сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёшлар ўртасида ўтказиладиган тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш борасида «Истиқбол» ёшлар қанотининг вазифалари хусусида таклифлар билдирдилар.

Шу билан бирга пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик даврида айрим хорижий оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнларни нохолис ёритаётган хабарларига қарши тарғибот ишларини олиб бориш, уларнинг асл мақсадларини аҳолига тушунтириш борасида партия ташкилотлари ва фаолларнинг вазифалари белгиланди.

Пленумларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VI қурултойига Қорақалпоғистон республика ва Хоразм вилоят партия ташкилотларидан делегатлар сайланди. Пленумлар ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Норов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

Қонун бўйича сиёсий партиялардан ташқари бевосита фуқароларнинг ўзлари ҳам номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бу қандай амалга оширилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ҳусан МУҲАММАДИЕВ,
Самарқанд давлат университети магистранти.

Ушбу саволга Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Низомиддин НУРМАТОВ жавоб беради.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мурожаат этадиган бўлсак, фуқаролар сайловчилар ташаббускор гуруҳини ташкил этиш орқали ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Сайлаш ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи камида уч юз кишидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, сайловга камида етмиш кун қолганда Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қонунда кўрсатилган ҳужжатлар илова қилиниши керак. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳининг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади ҳамда ваколатли вакилга рўйхатга олинганлик гувоҳномасини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини беради.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи сайлов жараёнида сиёсий партиялар билан тенг равишда оммавий ахборот ва тарғиботнинг қонун тақиқламаган барча воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ҳурматли газетхон! Сизда ҳам сайлов кампанияси, сайлов жараёнларига оид саволлар туғилса, таҳририятимизга мурожаат этишингиз мумкин.

Тел.: 133-10-13, 136-55-05.
Факс: 133-65-45, 133-44-55
Электрон почта: info@uzbekistonovozi.uz

Кучли давлатдан кучли жамият сари

САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ МУҲИМ ИШТИРОКЧИСИ

ШУБҲАСИЗ, СИЕСИЙ ПАРТИЯЛАРДИР. ҚОНУНЧИЛИКДА УЛАРНИНГ УШБУ КАМПАНИЯДА ТЕНГ ИШТИРОКИНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН НОРМАЛАР МУСТАҲКАМЛАНГАН

Жамиятимизнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, ҳаётимизни демократик қадриятлар билан янада бойитишга хизмат қилаяпти. Бунда, шубҳасиз, сиёсий партияларнинг алоҳида ўрни бор. Мустақиллик йилларида сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувида иштирокини кучайтириш, жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги мавқеини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида этибор қаратиб келинмоқда. Ўз олдига фуқаролик жамияти барпо этишни мақсад қилиб қўйган Ўзбекистонда сиёсий тизимни демократик тамойиллар асосида янгилаш жамиятимиз тараққиёти ҳозирги босқичининг долзарб йўналишидир. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида муҳим омил бўлмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг, айниқса, сайлов жараёнларида ҳоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади».

Жорий йилнинг 23 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайлов жамиятимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеадир. Унда сиёсий партиялар ўз сайловолди тайёргарликлари, дастурлари билан соғлом рақобат муҳитида қатнашадилар. Президент сайловида сиёсий партияларнинг иштирок этиши уларнинг сиёсий тизимда салмоқли мавқега эгалигидан далолат беради. Конституциямизда мустаҳкамланган нормалар, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» ва «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунлар Президент сайловининг асосий иштирокчиси сифатида сиёсий партияларга кенг имкониятлар яратган. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ сиёсий партиялар қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бу умумдемократик тамойиллар, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти талабларига тўла мос келади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун сиёсий партияларга Президентликка номзод кўрсатиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб, улар олдига қатор шартлар ҳам қўяди. Биринчидан, номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиш учун сиёсий партия, албатта, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин рўйхатга олинган, яъни расмий равишда эътироф этилган бўлиши лозим. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзолар йиғилиши шарт. Сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақаларида мамлакатимиз жами сайловчилари умумий сонининг камида беш фоизи, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намояндаси бўлган сайловчиларнинг имзолари қамраб олиниши керак.

Президент сайловининг кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтиши овоз беришда танлаш имкониятини беради. Ўз дастурлари орқали сиёсий партиялар фуқароларнинг ўзлари илгари сураётган номзодга овоз беришига эришиш учун ҳаракат қилади. Бу жараён сиёсий курашлар асосида амалга оширилади. Сиёсий партиялар одатда бутун фаолияти давомида сайловларда иштирок этиш ва ижобий натижага эришиш учун тайёргарлик кўриб боради. Аммо расмий равишда сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганидан сўнг улар асосий эътиборни фақат сайловчилар ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларига қаратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш сиёсий партиянинг юқори органи томонидан амалга оширилади. Бу орган одатда қурултой, съезд деб аталади. Сайловларда, айниқса Президент сайловида иштирок этиш сиёсий партиянинг сиёсий ташкилот сифатидаги асосий вазифаси ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг иштироки тўғрисида қарор қабул қилди. Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки партиясиз шахсни номзод этиб кўрсатишга ваколатли. Ушбу қоиданинг киритилиши сиёсий партияларнинг тенглигини ва ҳар бир партия аъзосининг ўз партияси олдидаги масъулиятини оширади. Шунингдек, партияларга ҳеч бир партияга аъзо бўлмаган, лекин келажакда партия мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун ҳаракат қилишга тайёр, тажрибали шахсни номзод сифатида кўрсатиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Қонунларига риоя этилишининг кафилидир, мамлакат ичкариси ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради. Элюрт тинчлиги ва мамлакат тараққиёти давлат бошлиғининг олиб борадиган сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун Президентликка номзод кўрсатишда муайян талаблар қўйилади. Қасддан содир этган жинояти учун илгари судланган, ўзига нисбатан жиноий иш қўзғатилгани муносабати билан қонунан таъқиб этилаётган фуқаро Президентликка номзод этиб рўйхатга олинмайди. Жиноят содир этган фуқаронинг маънавий етуклиги, халқпарварлиги, қонунга ҳурмат фазилатига эгалигига ҳеч ким кафил бўла олмайди. Шунинг учун халқимиз жиноятчи ёки олдин қасддан жиноят содир этган шахсни раҳбар, лидер сифатида тан олмайди ва бундай шахснинг бошқаларга намуна бўлиши мантиқан нотўғридир. Халқимизнинг менталитетидаги бундай тушунча ва қадриятлар қонунларимизда ўз ифодасини топган. Конституциямизининг 61-моддасига кўра, диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди. Бунинг сабаби шундаки, дин пешволари ҳокимият тепасига келганидан сўнг ўз диний ғоя ва қарашларини давлат сиёсати даражасига олиб чиқса, бу турли диний низоларни келтириб чиқариши мумкин. Қолаверса, Ўзбекистон диний эмас, дунёвий давлатдир.

Сиёсий партияларнинг сайловдаги ғалабаси уларнинг сайловолди ташвиқотини қанчалик даражада олиб борганига бевосита боғлиқ. Қонунга кўра сайловолди ташвиқот Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имконият берилади. Ташвиқот жараёнида сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул тўлаш тақиқланади. Хорижий мамлакатларнинг кўпчилигида ҳам сайловолди ташвиқотларини олиб бориш шартлари қонун билан белгиланган. Масалан, Японияда сайловчиларга совғалар улашиш, иш юзасидан ваъдалар бериш ва уларнинг уйларига ташвиқот мақсадида бориш қатъиян ман этилган.

Демак, партияларга сайловларда муносиб иштирок этиш учун барча шароит ва тенг имкониятлар яратилган. Бизнингча, энг муҳими сиёсий партиянинг мустаҳкамлиги ва сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланишидир. Шундай қилиб, демократик сайлов тизимининг қарор топиши, сайлов қонунларининг мукаммаллашуви билан сиёсий партиялар нафақат парламетнинг шаклланишида, Президент сайловида ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ихтиёр БЕКОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси.

ЎзХДП ҳаёти

Президент Ислом Каримов шу йил август ойида Наманган вилоятига ташрифи чоғида Наманган аэропортини халқаро андазалар даражасида қайта реконструкция қилиш лозимлиги хусусида таклиф-тавсиялар билдирган эди. Айни пайтда аэропортда бошланган таъмирлаш ишлари поёнига етказилмоқда.

АЭРОПОРТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

УЛАРДА ХДП БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИНИНГ ҲАМ ҲИССАСИ БОР

— Халқаро аэропорт мақомига эришишнинг ўзига хос талабларидан келиб чиқиб, йўловчилар кутиш залида кенг қамровли ишлар бажарилди, — дейди аэропорт раҳбари Шуҳратжон Асқаров. — Октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида биринчи босқич ишлари тўла якунланиб, иккинчи босқич ишларга ўтилди. Бу гал реконструкция ишлари учиш-қўниш майдонида давом этади. Умуман, бу юмушлар 2010 йилга қадар якунланиши кўзда тутилган.

Бу жойда касбий интизом масаласи бошқа соҳалардагидан ажралиб туради. Шу боис аэропортдаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти раиси Фаридахон Ёқубхоновадан жамоада олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар хусусида сўрадик.

— Жамоамизда маънавий-маърифий ишлар ҳам кундалик ҳаётга монанд, — дейди суҳбатдошимиз. — Фуқаролик маърифати ўқув тизими бўйича ҳафтанинг ҳар душанба куни мунтазам машғулотлар ўтказиб боряпмиз. Ходимлар хизмат маданиятини, сиёсий фаоллигини ошириш бўйича ўқув ишларини ташкил этишга бошланғич ташкилотимиз алоҳида эътибор бермоқда.

Дарвоқе, ҳозирда бошланғич ташкилотда 12 нафар ХДП аъзоси бўлиб, уларнинг ҳар бири ана шундай ибратли ишларга бош-қош бўлмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Муносабат

ЎН ОЛТИ ЙИЛЛИК

СТАТИСТИКАДА ҲЕЧ ЎЗГАРМАС БИР ҚОИДА БОР: «ИШОНТИРМОҚЧИ

Иккинчи мақола

2000-2007 йиллар давомида мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Натижада, кичик бизнес корхоналари сони аҳамиятли даражада ошиб борди. Уларнинг рўйхатдаги сони 2007 йилнинг бошига келиб 2000 йилга нисбатан 2,7 мартага ўсди. Агар бу кўрсаткични республикамиз мустақиллигининг дастлабки палласи, яъни 1992 йилга нисбатан таққосланса, ўсиш даражаси деярли 20 бараварни ташкил этгани ойдинлашади.

2007 йилнинг бошида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг сони қарийб 350 мингтага етди ёки 2000 йилга нисбатан 2,3 мартага кўпайди. Бугунги кундаги вазифа — кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириб боришдан иборат. Давлатимиз раҳбари кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 45 фоизга, 2010 йилда эса 50-52 фоизга етказиш вазифасини илгари сурди. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳал этиладиган муҳим масалалардан яна бири — аҳоли бандлиги даражасини ошириш ҳисобланади.

Дарҳақиқат, тадбиркор ўз маблағларини ишлаб чиқариш соҳасига киритар экан, айни пайтда ўз даромадини ошириш билан бирга, жамиятнинг бошқа аъзоларини ҳам даромад ва иш ҳақи билан таъминланишига моддий негиз яратади. Мамлакатимизда бу борадаги фаолият кенгайиб бормоқда: агар 2002 йилда кичик тадбиркорлик томонидан 369,3 мингта янги иш ўринлари яратилган бўлса, 2005 йилда 432,2 мингта, 2006 йилда қарийб 290 мингта янги иш ўринлари яратилди. Умуман олганда, бугунги кунда республикамизда яратилаётган иш ўринларининг ўрта ҳисобда 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида унинг иқтисодий кўрсаткичлари ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашиб бормоқда. Ҳатто мазкур соҳанинг умумий бандликдаги улуши жиҳатдан АҚШ, Канада, Франция, Буюк Британия сингари ривожланган мамлакатлардан юқорироқ даражага эга бўлди.

Яқин беш-ўн йил ичида ушбу соҳада республика ялпи ички маҳсулотининг 50-60 фоизини ишлаб чиқаришга эришиш кўзда тутилган.

Иккинчи босқичда иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсиши **жиддий таркибий ўзгаришлар** ва **ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш** эвазига таъминланди. Буни биз энг аввало ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш таркибидаги туб ўзгаришларда кўришимиз мумкин.

2006 йилда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 14,2 фоиз ўрнига 22,1 фоизни, хизматлар кўрсатиш соҳасининг улуши 30 фоиз ўрнига 39,5 фоизни ташкил этди.

Чуқур таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида республиканинг ёнилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи ўз имкониятларимиз ҳисобига тўла қопланди ҳамда озуқабоп ғалла импортига қарамлик барҳам топиб, ғалла мустақиллиги ҳам қарор топди. Агар 1991 йилда мамлакатимизда 2831 минг тонна нефть ва газ конденсати ишлаб чиқарилган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 5412,1 минг тоннага, ғалла ишлаб чиқариш 1908,2 минг тоннадан 6639,0 минг тоннага етди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ тизимини ўзгартиришда янги нефть конларининг ишга туширилиши, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши, Янги Ангрен ва Толли-маржон ГРЭСлари қурилишининг жадаллаштирилиши, металл ишлаб чиқарилишининг кўпайиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Республикамиз учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноатининг вужудга келиши туфайли Ўзбекистон Автотранспорт ишлаб чиқарувчилар халқаро ташкилотига 33-тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди.

2006 ва 2007 йилнинг биринчи ярим йилида иқтисодиётимизда амалга оширилган таркибий ўзгариш ва ўсиш суръатлари, кичик бизнес ва тадбиркорликни рағбатлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, одамларимизга касаначиликнинг турли шакллари билан шуғулланиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, муҳтож оилаларни чорва моллари билан таъминлаш борасида қилинган кўпгина ишлар туфайли мамлакатимизда яна 570 мингта иш ўрни очилишига замин яратилди. Бундай аҳамиятли чора-тадбирларнинг қўлланиши, пировардида, ишчи кучи бандлигининг 2,7 фоизга, шу жумладан, саноатда 9 фоизга ўсиши, қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сонининг 4 фоизга камайишига олиб келди.

Таркибий ислоҳотлар орқали юқори технологияли ва илм-фан тараққиёти асосидаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида истиқболда ҳам қуйидаги вазифаларга устувор аҳамият қаратилди:

❖ **автомобилсозлик, самолётсозлик, микробиология, электроника ва электрон саноати, телекоммуникация воситалари ва замонавий ахборот технологияларини янада ривожлантириш;**

❖ **ишлаб турган корхоналарни қайта ихтисослаштириш ва замонавийлаштириш асосида бутловчи, туташ қисмларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;**

❖ **ушбу тармоқлар маҳсулотларидан фойдаланишни яхшилаш учун сервис хизмати кўрсатиш тизимларини вужудга келтириш ва ривожлантириш;**

ЯИМнинг таркиби (фоиз)

Т/р	Тармоқлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006
1.	*Саноат*	14,2	14,1	14,5	15,8	17,5	20,7	22,1
2.	*Қурилиш*	6,0	5,8	4,9	4,5	4,8	4,9	5,1
3.	*Хизматлар соҳаси*	37,2	38,2	37,9	37,4	37,2	38,4	39,5
4.	*Соф солиқлар*	12,5	11,9	12,6	13,7	14,1	11,0	11,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Қадрият

АЗИЗ ВА МЎЪТАБАР НЕЪМАТ

УНИ ЭЪЗОЗЛАШ ҲАМДА ТЕЖАШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Тирикчилик, ҳаёт — нон билан. Ота-боболаримиз уни ҳамиша эъзозлаб, қадрлаб келган ва ушоғини ҳам кўзига суртиб еган...

Жумамурат ота АТАМУРАТОВ, Қораўзак тумани, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1-гуруҳ ногирони:

— Кўп қийинчиликларни, йўқчиликларни кўрдик. Бир бурда нонни қаердан топиб еймиз, деган кунларимиз ҳали-ҳали ёдимиздан чиққани йўқ. Уруш йиллари, очарчилик, қаҳатчилик... Одамлар бир тишлам нонга зор бўлганликларининг гувоҳимиз... Оллоҳга шукр, Мустақиллик даври келиб, ўз ғалламизга эга бўлдик. Ёшларга айтар сўзим, нонинг қадрига етинг, эъзозланг. Уволи ёмон бўлади.

Холия БАЙҚУАТОВА, Хўжайли шаҳри, меҳнат фахрийси, пенсионер:

— Инсон нонсиз яшай олмайди. Дастурхоним ҳеч қачон нонсиз бўлмасин деган тирик жон борки, ушоғини ҳам увол қилмайди...

Нонинг турлари кўп: тандир нон, қотирма нон, қатлама нон, зоғора нон, таба нон, буханка нон, кулча нон, патир нон, майли жайма, челпак, қуймоқ, булочка ва бошқалар. Ундан ишланадиган ҳар хил таомлар турларини айтмайсизми! Халқимизда:

Олтин-кумуш тош экан,
Арпа-буғдой ош экан,
Буғдой нонинг бўлмаса,
Буғдой сўзинг йўқмиди,

— деган мақол бор...

— Нонсиз ҳаёт — йўқ, — дейди **Бердақ номли Қорақалпоқ давлат университети журналистика бўлимининг 3-курс талабаси Женгисгул Ибадуллаева,** — қадимқадимдан Қорақалпоқ халқ қўшиқларида:

Қўшиғим қўшиқ
Томоғим тешик,
Бир бурда нон берсанг,
Айтаман қўшиқ, —

деган сатрларни учратамиз.

Демак, аждодларимиз эъзозлаган нонни қадрлаш — биз ёшлар учун фарз. «Меҳнатнинг нони ширин, арининг боли» деган мақол бежиз айтилмаган...

Яна бир айтар гапим: республикамизнинг айрим вилоятларида дастурхонга нон қўйганда ҳаддан ташқари кўп синдириб қўядилар. Натижада истеъмол қилинмай қанча-қанчаси қолиб кетади. Бу исрофгарчилик эмасми?! Биз қорақалпоқларда ва Хоразмда дастурхонга нон бутунлигича қўйилади. Ҳар ким ўзига керагича синдириб олиб еяверади.

Шу ўринда айтиш керак, ҳозир нима кўп, новвой кўп. Уларнинг кўплари бугун кечагидан кўпроқ нон ишлаб чиқариб, истеъмолчига сотса ва кўпроқ пул топса, бас. Сифатига эътибор беришмайди. Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мутасадди идоралар мутахассислари нонларимиз сифатига алоҳида эътибор берсалар, деган ниятдамиз...

Бозорбой ЗАРИПОВ, Қорақалпоғистон Республикаси давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош шифокори вазифасини бажарувчи:

— Республика бўйича 49 та нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд. Шу йилнинг ўтган саккиз ойида уларда 27 марта мониторинг ўтказилди. Нукус шаҳри ва Хўжайли туманидаги шундай корхоналар устидан Қорақалпоғистон Республикаси стандартлаштириш ва метрология бошқармаси, Давлат солиқ инспекцияси, республика монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ходимлари билан биргаликда ўтказилган мазкур тадбирларда жуда кўп камчиликлар аниқланди. Масалан, «Турон» масъулияти чекланган жамиятнинг нон цехи бугунги кунда таъмирга ўта муҳтож. Ишлатилаётган хамириқориш асбоб-ускуналари эскирган, яроқсиз. Новвойлар малакасиз. Кўпчилиги илгари ўқитувчи, ҳамшира, қурувчи бўлиб ишлаган одамлар. Тайёр нонларни сақлаш учун махсус жойлар йўқ. Бундай ҳолат «Мийрим — Шапаат Нукус» хусусий фирмасида, «Иссиқ нон» Хўжайли хусусий кичик корхонасида ва «Абдуллаева Зайнап» хусусий корхоналарида ҳам аниқланди.

Йилнинг ўтган ойлари давомида Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази лабораториялари нон ва нон маҳсулотлари кимёвий таркибини текшириш учун 187 та намуна олиниб, шундан 12 та намуна санитария-гигиена қоидалари ҳамда меъёрларига жавоб бермаганлиги учун жами 3503 килограмм маҳсулот савдодан олиб қўйилди. Жумладан, Нукус шаҳрида 671,5, Беруний туманида — 400, Шуманай туманида — 11,5, Хўжайли туманида 250 килограмм нон ва нон маҳсулотлари увол бўлди...

Бугунги кунга келиб, кўчада, одам кўп йиғиладиган жойда ва деҳқон бозорларида назоратсиз ҳолда нон сотувчилар кўпайиб кетди. Ҳар қадамда ошхона, чойхона. Уларнинг кўпида муддати ўтиб кетган, эскирган озиқ-овқат турлари сотилаётганига кўзингиз тушади. Афсуски, мижозлар кўпинча бунга эътибор беришмайди. Истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишмайди. Ҳолбуки, мўътабар неъмат — нон уволи олдини олиш ва айни пайтда унинг юксак сифатига эришиш ҳар бир киши, ҳар бир истеъмолчининг манфаатига хизмат қилади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тақдимот

Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз иқтидорини намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратиб келиняпти.

ҲУР ЎЛКА ҚИЗЛАРИ

Айниқса, Зулфия номидаги давлат мукофотининг таъсис этилиши ва иқтидорли қизларнинг бу муносиб эътирофга лойиқ кўрилиши бутун мазмунмоҳияти билан Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ёшларга, уларнинг келажаги учун кўрсатилаётган ғамхўрлик ифодасидир. Ўтган вақт мобайнида адабиёт, фан, таълим, санъат, маданият соҳасидаги 112 нафар истеъдодли қиз шу мукофот соҳибалари бўлдилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан 2004 йилнинг 2 апрелида «Зулфияхоним қизлари» клубининг ташкил топиши ҳам бу борада хайрли ишларга дебоча бўлди. Зеро, қўмита қошида фаолият юритаётган мазкур клуб Зулфия мукофоти соҳибалари иқодини тарғиб этиш, уларнинг фан, таълим, маданият, санъат йўналишида эришаётган ютуқларини намойиш этиш бўйича кенг қамровли тадбирларни амалга ошириб келаяпти.

Яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан чоп этилган «Ҳур ўлка қизлари» китобининг тақдимот маросими ўтказилди. Ушбу тўпламга ўтган йиллар давомида бу нуфузли мукофотга сазовор бўлган иқтидор эгалари ҳақидаги маълумотлар киритилган. Шунингдек, шу куни иқтидорли шоиралар Гулжамол Асқарова ва Беназир (Г.Зокирова)ларнинг шеърий тўпламлари тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Қўмитада ўтган тантанада Ўзбекистон халқ шоирлари, вилоят, туман, чекка ҳудудларда яшаб ижод қилаётган иқтидорли ёшлар, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари, маҳалла фаоллари, санъаткорлар иштирок этдилар.

Саида САЙҲУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШУКРОНА ВА ШОДМОНЛИК БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз томонидан 2007 йил 20 февралда қабул қилинган «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорга мувофиқ Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугун бу ердаги Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Барокхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Тиллашайх масжиди, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг биноси ва бошқа бетакрор иморатлар инсон кўзини қувонтириб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ва яратувчилик даҳосининг ёрқин намоёнига айланди.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани бежиз эмас. Бу, бир томондан, она заминимизда хоки поклари қўним топган улуғ аждодларимиз, қанчадан-қанча тафаккур соҳибларининг табаррук номлари ва қолдирган меросига, халқимизнинг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига билдирилган улкан эҳтиром бўлса, иккинчи томондан, мустақиллик йилларида юртимизда миллий ва диний қадриятларимизни ўрганиш, асраб-авайлаш, ёш авлод қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг жаҳон жамоатчилиги томонидан яна бир эътирофидир.

...Бугун — Рамазон ҳайитининг биринчи куни, шукроналик ва шодмонлик байрами. Шундай улуғ кунларда ота-оналаримиз, ака-укаларимиз, оиламиз ва фарзандларимизни улуғ айём билан қутлашимиз, ёру дўстларимиз, қўни-қўшниларимизни йўқлашимизнинг савоби бисёр. Шунингдек, ҳайит байрами гина-кудуратларни унутиш, дардмандлар кўнглини олиш, табаррук ёшли отахон-онахонларни зиёрат қилиб, эҳтиёжмандлар, етим-есирларга хайру эҳсон улашадиган саховат айёмидир.

Барчамизга бундай ҳидоят айёмларини бардавом нишонлаш насиб этсин.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

ҲАҚИҚАТ

БЎЛСАНГ, СТАТИСТИКАГА МУРОЖААТ ҚИЛ».

❖ **илмталаб тармоқлар учун тегишли юқори малакали кадрлар тайёрлаш;**
❖ **илмталаб маҳсулотларни жаҳон бозорларига чиқариш, уларни экспорт қилиш имкониятларини кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;**
❖ **мазкур тармоқлар маҳсулотларининг ички ва жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини ошириш ва бозор талабларига мувофиқ янгилаб туриш мақсадида илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини янада ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.**

Бугунги кунда туб таркибий ўзгаришларни давом эттириш мақсадида фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газкимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсати юритишга устувор аҳамият берилмоқда.

Натижада мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиётига 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 25 миллиард доллардан зиёдини хорижий сармоядорлар маблағи ташкил этади.

●●●

Ўн олти йил давомида ҳукуматимиз томонидан аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида, энг аввало, мамлакатда иш ўрни ва етарли даромад ҳажмини таъминлашга катта эътибор қаратилди. Бу ҳақда гапирганда, аҳоли реал даромадларининг 2006 йилда 2000 йилга нисбатан 2,5, 1992 йилга нисбатан эса ўртача 12 баробар ошганини таъкидлаш жоиз. 2007 йил охирига бориб, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўртача иш ҳақи миқдорининг 200 доллар даражасига етиши кутилмоқда.

«Биз ҳар уч йилда иш ҳақини 2-2,5 баробар оширишни ўз олдимизга муҳим стратегик вазифа қилиб қўйганмиз, — деб уқтирди Президент Ислом Каримов маърузада. — **Шу тариқа, аҳолининг харид қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, биз яқин йиллар ичида халқ фаровонлигини ва даромадларини таъминлаш бўйича юксак марраларга эришаётган мамлакатлар даражасига кўтарилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз».**

Сўнгги йилларда аҳоли даромадлари шаклланишидаги яна бир ижобий жиҳат кузатилди, 2002 йилдан бошлаб, фуқароларнинг пул даромадларига нисбатан ўртача ойлик иш ҳақининг ўсиш суръатлари юқори бўлмоқда. Чунончи, 2006 йилда бу ўсиш мос равишда 132,6 ва 141,3 фоизни ташкил қилди.

Яқин истиқболда аҳолининг пул даромадлари таркибидаги ижобий ўзгаришларга кўра ундаги иш ҳақи улуши 2006 йилдаги 29,4 фоздан 60-65 фоизга етиши кўзда тутилган. Бу, шубҳасиз, аҳоли турмуш фаровонлигини ўстириб боришда — иш ҳақи асосий молиявий манбага айланиб бораётганини англатади. Давлатимиз раҳбари масалага 2007 йилда ҳам алоҳида устуворлик берганлигидан кутилган асосий мақсад ҳам шу аслида.

Маърузада таъкидланганидек, бугунги кунда юртимизда замонавий меҳнат бозори шаклланди — мустақиллик йилларида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 70 фоиздан зиёди саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келади.

Айниқса, шаҳар ва қишлоқларда биринчи навбатда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида 2007 йилнинг 1-ярим йилида 2 ёшгача бўлган болани парвариш қилиш билан банд бўлган 400 минг ишламаётган оналар, 18 ёшгача болалари бўлган 880 минг оилага нафақа берилди, 44 минг кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди, 28,5 минг кам таъминланган ва кўп болали оила бепул қорамол олди. Ногиронлар учун 2049 иш ўрни ташкил этилди. Ёш оилаларга 20,4 миллиард сўм кредит, шу жумладан ўз бизнесини ташкил этишга 10,6 миллиард сўм миқдорда имтиёзли микрокредит ажратилди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини берадиган, йирик саноат корхоналари билан кооперация асосида ташкил этиладиган касаначилик жадал ривожлана бошлаганини таъкидлаш лозим. Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиб бориш натижасида 2006 йилда ишсизлик даражаси 5,3 фоизга камайди.

Мухтасар айтганда, Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасида қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаб, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янада жадаллаштиришга пировардида, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга асос бўладиган устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Зеро, истиқлол йиллари бошиданоқ эзгу тамойилимиз «Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун!» бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Ёрқин АБДУЛЛАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ САОДАТ ҚОБУЛОВА

Ўзбек маданияти ва санъати оғир жудоликка учради. Атоқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Саодат Қобулова 12 октябрь куни дунёдан кўз юмди.

Саодат Қобулова 1925 йил 15 декабрда Марғилон шаҳрида туғилди. Дастлаб Москвада ўзбек опера студиясини, кейинчалик Тошкент давлат консерваториясини тугатиб, ўттиз йилдан зиёд вақт давомида Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет академик катта театрининг етакчи солисти сифатида самарали ижодий фаолият олиб борди.

Ноёб овоз соҳибаси Саодат Қобулова томонидан юксак истеъдод ва маҳорат билан ижро этилган ўзбек ва жаҳон опера санъатининг классик намуналари, миллий мумтоз қўшиқлар, халқ ашулалари эл-юртимиз қалбидан чуқур жой олиб, унинг маънавий бойлигига айланди. Айниқса, «Дилором», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зуҳра», «Майсаранинг иши», «Травиата», «Севилия сартароши» сингари машҳур опера асарларида яратган ёрқин образлари, турли тилларда янграган бетакрор қўшиқлари мусиқа санъатимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Саодат Қобулова тажрибали педагог, истеъдодли ёшларнинг жонкуяр ва талабчан мураббийси сифатида ҳам ибратли ва баракали фаолият кўрсатди. У умрининг охирига қадар Ўзбекистон давлат консерваториясининг академик хонандалик кафедраси мудири ва профессори лавозимида ишлаб, бугунги кунда миллий мусиқа санъатимизнинг етук намояндалари бўлиб танилган ўнлаб иқтидорли хонандаларга устозлик қилди.

Бутун истеъдоди, билим ва тажрибасини маданият ва санъатимиз равнақига бағишлаган жонкуяр ва фидойи санъаткорнинг кўп йиллик меҳнати, самарали ижодий фаолияти давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Дўстлик», «Буюк хизматлари учун» орденлари ва «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони каби Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган эди.

Улкан санъаткор, меҳрибон устоз, камтарин инсон Саодат Қобулованинг порлоқ хотираси халқимиз қалбида доимо сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, Р.ҚОСИМОВ, Р.ҚУРБОНОВ, М.РАЗЗОҚОВА, И.ЖАЛИЛОВ

XORIJDA

ҚЎНАЁТГАН ЧОҒДА...

Миср ҳаво кемасида Истамбул аэропортига қўниши чоғида ёнғин рўй берган. AFP хабар беришича, Қоҳира — Варшава йўналиши бўйича парвоз этаётган ҳаво кемаси техник сабабларга кўра Туркияда қўнишга мажбур бўлган. Вужудга келган ёнғин тезда ўчирилган. Фавқулодда ҳолатдан ҳеч ким жабрланмаган, ёнғин сабаблари текширилмоқда.

ЎТТИЗ ЙИЛГА ЕТАДИ

АҚШда олиб юриладиган қурилмалар (ноутбук ёки қўл телефонлари) учун яратилган батареядан 30 йил давомида фойдаланиш мумкин. Ҳарбий ҳаво кучлари тадқиқот лабораториясида радиоактив нурланиш асосида ишлайдиган аккумулятор ишлаб чиқилган. Аккумуляторнинг ишлаш принципи қуйидагича: радиоактив модда ўзидан бета-нурланиш (электронлар оқими)ни чиқаради, у сўнгра кремнийли пластина томонидан ушлаб қолиниб электр қувватига айланади. Ушбу аккумуляторда реакция натижасида водород изотопи — тритий ҳосил бўлади. Шуниси эътиборга моликки, батарея ичидаги реакциялар иссиқлик чиқармайди.

ГЛОБАЛ ИСИШ ТАЪСИРИ

Жанубий Африка соҳилларида илк бор айсберг пайдо бўлди. Музтоғни топган «Нтини» балиқчи кемасидаги одамлар сўзларига кўра, унинг сув устидаги кўриниши — эни ва бўйи — 25 метргача етади.

Маҳаллий экологларнинг таъкидлашича, айсбергнинг пайдо бўлиши глобал исишнинг жанубий яримшар ва жанубий қутбга таъсир этаётганидан далолатдир.



ЖАҲОНДАГИ ЭНГ БАЛАНД ИНШООТ



Бирлашган Араб Амирликлари пойтахтида бунёд этилаётган осмонўпар минора жаҳондаги энг баланд иншоотга айланди. 555 метрлик баландликка етган Burj Dubai Торонтодаги 553 метрлик CN Tower телеминорасини ортда қолдиради. Маълумки, жорий йил июлида бу иншоот қурувчилари ўша пайтда рекорд саналган 508 метрлик белгини — 2004 йилдан буён энг баланд бино деб ҳисоблаб келинаётган Тайвандаги Taipei минораси баландлигини забт этишганди. Burj Dubai минорасининг қурилиши 2008 йил охирида якунланади, лекин унинг охирги баландлик кўрсаткичи ҳозиргача сир тутилмоқда. Ишлар якунлангач, осмонўпар бинода 160 та қават, 56 та лифт, сузиш ҳавзалари, офислар, италиялик дизайнер Жоржио Армани нинг биринчи меҳмонхонаси бўлади. 124-қаватда эса тепадан атрофни кузатиш майдончаси жойлашади. 2004 йилда бошланган қурилишда салкам 6 минг киши банд, ҳозиргача 320 минг кубометрга яқин бетон ва 60 минг тоннадан ортиқ пўлат арматура сарфланган.

МОВИЙ ОЛМОС СОТИЛДИ

Сянганда (Гонконг) ўтказилган кимошди савдосида ўта камёб, мовий рангли сайқалланган олмос 8 миллион АҚШ долларига сотилди. Маълумотларга кўра, унинг оғирлиги олти каратдан ошади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ишлов берилган мазкур олмоснинг ҳар карати 1,3 миллион АҚШ долларига баҳоланган ва у дунёдаги энг қиммат тош, деб топилган. Олмосни қароргоҳи Лондонда жойлашган номи номаълум заргарлик компанияси сотиб олган.

СИЛИКОН КУЗОВЛИ МАШИНА



Японияниг «Хонда мотор» автомобилсозлик компаниясида силикон кузовли «Пуио» («Puyo») машинаси ишлаб чиқарилган. Унинг корпуси косметик протез ясашда ишлатиладиган материалдан тайёрланган.

Хабарларга қараганда, бундай автомобиль бир нимага урилганда ҳеч қандай зарар етказмайди. Ҳатто машинанинг эзилган жойи ҳам тезда текисланади. «Пуио» нафақат инсонга, балки экологияга ҳам зарар етказмайдиган табиий тоза ёнилғида ишлайдиган двигателга эга.

Эртага — халқаро Стандартлар куни

Ҳар йили 14 октябрь бутун дунёда халқаро Стандартлар куни сифатида кенг нишонланади. 1946 йилда БМТ стандартларни мувофиқлаштириш қўмитаси йиғилишида халқаро Стандартлаштириш ташкилотини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, 14 октябрь куни унинг Низоми тасдиқланади. Мазкур сана тарихга халқаро Стандартлаштириш уюшмаси (ИСО) ташкил топган кун сифатида кирди.

ИСО халқаро ташкилотининг бу йилги шиори «Фуқаро ва стандартлар. Стандартларнинг жамиятга қўшаётган ҳиссаси» деб эълон қилинган. Шу кунларда «Ўзстандарт» агентлигида «Стандартлаштириш тизимининг долзарб муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий семинари ўтказилади.

Мухбиримиз «Ўзстандарт» агентлиги Стандартлаштириш, давлат назоратини мувофиқлаштириш ва ахборот технологияларини жорий этиш бошқармаси бошлиғи Жамшид МИРСАИДОВ билан суҳбатда бўлди.

ТИЗИМ АНДАЗАЛАРИ

ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

— Жамшид Ғайратович, эркин бозор муносабатлари шароитида стандартлаштириш, сертификатлаш, мувофиқликни тасдиқлаш, аккредитация қилиш каби жараёнлар қандай кечяпти?

— Илмий техника тараққиёти тезлашиб, саноат ишлаб чиқариши кескин ошаётганлиги боис, рақобат ҳам кучаймоқда. Бу эса истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи, қолаверса, атроф-муҳит хавфсизлигини сақлаш муаммоларини тобора долзарб қилиб қўймоқда. Биласиз, жаҳоннинг турли бурчакларида озиқ-овқат, атроф-муҳит, ўйинчоқ ва ҳатто реклама ҳамда компьютер ўйинларидан ҳам зарарланиш ҳолатлари учраб турибди. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ва унинг турли мамлакатлардаги миллий идоралари фаолияти энг аввало бозордаги товар ва хизматларнинг аҳоли ҳаёти, соғлиғи ва атроф-муҳит хавфсизлигига зарар етказмайдиган бўлишини таъминлашдан иборат. Шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиши учун уларнинг халқаро андазаларга мос бўлишига кўмаклашиш, бунинг учун уларга зарур стандартлар ва меъёрларни етказиш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг мазкур андазаларга мос бўлишини назорат қилиш ҳам бизнинг энг муҳим вазифаларимиз сирасига киради.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» ва «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» каби қатор қонунлар қабул қилиндики, улар мамлакатимизда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимларининг ҳуқуқий, ташкилий ҳамда иқтисодий негизларини таъминлаб, давлат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколатларини кафолатлади. Ҳозир мутахассисларимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон миқёсига янада уйғунлашувини таъминлаш мақсадида «Техник тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизнинг бутун жаҳон савдо ташкилотига киришига ва тадбиркорлик субъектларига катта қулайликлар яратади...

Суҳбатдош:
Шуҳрат ТЕМИРОВ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

НАМАНГАН ВИЛОЯТ, НАМАНГАН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ БИНОСИНИ МУКАММАЛ ҚАЙТА ҚУРИШ.

Объектнинг ҳисобланган бошланғич нархи ҚҚС билан — 583 446 420 сўм.
Якунлаш муддати — 2007 йил 20 декабрь.
Буюртмачи: Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.
Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.

Қурилиш ишлари Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган давлат маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 50000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ (КОНКУРС) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. **Япон филологияси кафедраси,**
кафедра мудири — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин.
2. **Жаҳон иқтисодиёти, менежмент ва маркетинг кафедраси,**
доцент — 1 ўрин.
3. **Эрон-афғон филологияси кафедраси,**
катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
4. **Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси,**
доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин.
5. **Инглиз тили (1) кафедраси,**
катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
6. **Халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси,**
профессор — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
7. **Араб филологияси кафедраси,**
катта ўқитувчи — 1 ўрин.
8. **Герман тиллари кафедраси,**
катта ўқитувчи (немис тили) — 1 ўрин.
9. **Туркиёт кафедраси,**
катта ўқитувчи — 1 ўрин.
10. **Инглиз тили (2) кафедраси,**
доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин.
11. **Шарқ тиллари кафедраси,**
ўқитувчи (форс тили) — 1 ўрин.
12. **Халқаро муносабатлар, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ кафедраси,**
профессор — 1 ўрин.
13. **Корейс филологияси кафедраси,**
катта ўқитувчи — 1 ўрин.
14. **Табиий фанлар, олий математика ва информатика кафедраси,**
ўқитувчи — 1 ўрин.
15. **Жисмоний тарбия кафедраси,** катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

ҲУЖЖАТЛАР:
1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан).
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари.
4. Илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25.
Тел.: *133-45-21, 133-44-36.*

Тиббиёт

СОҒЛОМ ЯШАШНИ ЎРГАТУВЧИ САБОҚЛАР



Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг:

Эл нетиб топкай меникким,
Мен ўзимни топмасам,

— мисралари, бир қарашда, мазмун-моҳияти билан тиббиётга ҳеч қандай алоқаси йўқдек. Аммо...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонини яна бир карра синчиклаб кўздан кечирарканман, беихтиёр юқоридаги шоҳ сатр кўнглимга келди.

Ҳаётнинг ҳамма соҳасида, айниқса, тирикликнинг бебаҳо бетакрор бойлиги, чин маънодаги давлати — соғлиқ-саломатликни асраб-авайлашда инсон аввало **«ўзини топмаса»,** ўз масъулиятини англамаса, на Луқмони ҳаким ва на XXI аср замонавий тиббиёти унинг йўқотган ғаниматини бойлигини тўла-тўкис асраб ёки қайтариб беролмайди. Бу — аччиқ ҳақиқатки, уни кимларнингдир кўнглини авайлаб айтмай қўяверсак ёки юмшатиб ифодалаш яхшилик келтирмайди.

Фармонда **«оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича аҳоли ўртасида профилактика ишларини ташкил этиш»**га яна алоҳида эътибор қаратилган.

«Яна» деб таъкидлашимнинг боиси шундаки, 1998 йилда қабул қилинган Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастуридан бошлаб токи шу кунгача ҳаётга жорий этилаётган, халқ саломатлигини кўзлаб қабул қилинаётган Президент Фармонлари, ҳукумат қарор ва Дастурларида соғлом турмуш тарзига, уни оиладан бошлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бу тарихий ҳужжатларнинг амали ҳам кўз ўнгимизда.

Қишлоқ врачлик пунктларининг аҳоли яшайдиган энг чекка ҳудудларда қад тиклаши, уларнинг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда малакали тиббиёт ходимлари билан таъминланиши, оилавий поликлиникалар ташкил этилиши; тиббий патронажнинг йўлга қўйилиши, бир ибора билан айтганда, тиббиётнинг аҳолига яқинлашувидан кўзланган мақсадларнинг ҳаммаси халқимизнинг тиббий маданиятини, ўзининг ва улғайиб келаётган фарзандларининг саломатлигига эътибори ва ғамхўрлигини оширишдан иборатдир.

Кексалар билан суҳбатлашганда, «Ёшлик пайтимизда битта қон таҳлили учун юз километрлаб йўл босиб, туман маркази ёки шаҳарга борардик. Навбат кутиб, қон олдириб келиш учун бир кун сарф бўларди. Унинг жавобини олгани бошқа сафар бориш керак бўларди», «Иситмада куйиб-ёниб ётган боламни ярим кечада туман марказидаги шифохонага олиб боришга машина тополмаганман», «Ёш келин тўлғоқ тутганида, марказдаги туғуруқхонагача етиб боролмаган. Қон босими ошиб...» каби ўтмиш манзараларини кўп эшитганмиз. **Бугун республикамизда 3100 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатаяпти.** Демак, шунча тиббиёт маскани қишлоқ аҳлининг саломатлигини муҳофаза қилиш билан бирга, уларнинг кўз ўнгида тиббий маданиятни юксалтириш, бу борада кўз билан кўриб, ақл билан таҳлил этиб, билмаганларини сўраб ўрганиш ва хулоса чиқариш марказлари сифатида ҳам хизмат қилаяпти.

Эътиборли кишилар учун яна бир ҳолат янгилик эмас, яъни оилада тиббий маданиятни юксалтиришга хизмат қиладиган жуда кўп рисолалар, адабиётлар, мақолалар нашр қилинди, бу иш изчил давом этмоқда. Саломатлик марказлари томонидан ташкил этилган илмий-оммабоп рисолалар хонадонларга кириб борди. Бу ишларнинг самараси ҳаётда мева бермоқда. Ота-оналарнинг ўзлари ва фарзандлари саломатлигига эътибори ортди, дард белги бергандагина эмас, балки касаллик безовта қилмаганида ҳам шифокорга учрашиб, маслаҳатлашиб кетадиганлар сони кўпайиб бормоқда. Қишлоқ врачлик пунктларига бир дақиқа ичида қон ва бошқа таҳлиллар жавобини «айтиб берувчи» замонавий асбобларнинг ўрнатилиши ҳам саломатлик қадрини англовчиларга бебаҳо имкониятлар яратди. Бу каби ҳаётий далил, мисолларни яна давом эттириш мумкин.

— Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бехатар оналик дастури бўйича Андижон шаҳар 3-туғуруқ мажмуасида иш бошлаганимизга етти йилдан ошди, — дейди Андижон давлат тиббиёт институти профессори Тўхтахон Ҳожиматова. — Бу дастурнинг бош мақсади — аёл учун касаллик эмас, балки табиий жараён бўлган ҳомиладорлик, туғуруқ жараёнини, агар жиддий зарурат бўлмаса, дори-дармонларсиз табиий кечишига эришиш. Бу борада аёллар тиббий маслаҳатхоналарида, маҳаллалардаги учрашувларда, радио-телевидение ва матбуот саҳифаларида, қолаверса, ҳомиладорлик билан рўйхатга олинган ҳар бир аёл билан муло-қотда тушунтиришлар олиб боришимизга қарамай, ҳалиям айрим аёлларда бу жараёнга эскича қарашлар учрайди. Бир мисол: илгари дард тутиб олиб келинган ҳар бир аёлга керак-нокераклигидан қатъи назар, оғриқни камайтирадиган, туғуруқни тезлаштирадиган дори беришларди, укол қилинарди. Юқоридан келган кўрсатмага биноан бу тартиб неча ўн йиллар давомида амал қилиб келди. Мустақиллигимиздан кейин, жаҳон тиббиётининг илғор тажрибалари юртимизга кириб келгач, маълум бўлдики, биз ўша вақтларда худди пишмаган олмани калтак билан уриб, бандини ва мевани заҳалаб қоқиб олган каби, ҳомиладор аёлнинг туғуруқ дарди тўла «пишмасидан» ғўдагини «узиб» олган эканмиз. Нозик вужудларда бу зўраки тезлатиш ўз асоратини қолдирмай иложи йўқ. Энди, Бехатар оналик дастури асосида ишлай бошлаганимиздан кейин, бу хатони қайтармайдиган бўлдиг-у, аммо айрим келинлар ҳалиям халтачада ўз дорилари билан келадилар. Улар тўлғоқ дардини енгишнинг осон йўли дориларда, деб биладилар. Катталар уларга шундай тушунтирган-да! «Менга укол қилиб қўя қолинг», — дейди тушунмаган келин. Ҳолбуки, ноўрин қабул қилинган дори она-бола учун кони зарар эканлигини тушуниш қийин эмас.

— Ҳомиладорлиги оғир кечаётган аёлларни муддатидан олдинроқ шифохонага ётқизиш кераклиги ҳақида унинг ўзига, оила аъзоларига тушунтириб, таъкидлаб борамиз, — дейди Гулистон шаҳар 1-туғуруқхона бош шифокори, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Марям Ҳожиматова. — Лекин айни ўша пайт келганда, ё ҳомиладорнинг ўзи, ёки унинг атрофидагилар турли баҳоналар билан аёлнинг шифохонага ётишини истамайдилар. «Биз ҳам бола кўрганмиз, даладан туғуруқхонага олиб кетишган. Ҳозирги ёшлар нозик», каби эътирозлар билан келинининг йўлини бойлайдиган қайноналар оз бўлсада, топилади. Бунинг оқибатида ҳеч ўнглаб бўлмайдиган асоратлар, нохушликлар келиб чиққанда эса кеч қоламиз ва...

— Болалар касалликларини режа асосида даволаш болалар шифохоналарининг асосий вазифаси бўлиши керак, — дейди Фарғона вилояти Саломатлик маркази раҳбари, болалар шифокори Абдурашид Абдумажидов. — Аммо ҳанузгача касалхонага олдиндан аниқланган хасталикларини даволашга олиб келинадиган беморлардан кўра, шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолганлар кўп келади. Фарзанди оғир аҳволга тушиб қолганда ёки тасодиф туфайли тез тиббий ёрдамга муҳтож бўлганда йиғлаб келадиган ота-оналар кам эмас...

Соғлом турмуш тарзини ўрганиш дарслари мактаб дастурларига киритилган. Ақлу идрокнинг кўзи, қулоғини каттароқ, жиддийроқ очган ҳар бир онгли инсон учун соғлом ҳаёт аввало унинг ўзидан бошланишини ўргатадиган сабоқлар, саломатликни асраб-авайлашимиз учун яратилган имкониятлар ҳар қадамда учрайди. Афсуски, касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш афзаллиги, осон ва арзонлиги ҳамон айрим ватандошларимиз учун аҳамиятсизлигича қолмоқда. Худди мана шу маънода ҳазрат Навоийнинг

Эл нетиб топкай меникким,
Мен ўзимни топмасам,

— деган иқрору огоҳлари дилимда «яриқ» этган бўлса, ажабмас. Миллат, давлатнинг истиқболи, тараққиётнинг теран илдизи бўлган тану жонимиз саломатлиги ҳақида аввало ўзимиз ғамхўрлик қилишимиз — жамият олдидаги энг масъулиятли бурчимиз эканлигини ҳис этиб яшамоқ — ўзимизни англашдан, ўзимизнинг қадримизга етишдек муқаддас эҳтиёждан бошланади.

Муҳтарама УЛУҒ,
Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

Спорт

ОЛТИТА ОЛТИН, ОЛТИТА КУМУШ ВА ЕТТИ БРОНЗА...

Хитойнинг Шанхай шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон ёзги Махсус Олимпия ўйинларида ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида 19 та медалга сазовор бўлдилар

Ёдингизда бўлса, шу йилнинг май ойида Бухоро шаҳрида жисмоний имконияти чекланган ва ақлан заиф болалар ўртасида Халқаро махсус Олимпия ўйинлари ўтказилган эди. Юксак савияда ташкил этилган бу мусобақа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланди. ЮНИСЕФ баҳосига қараганда, Ўзбекистон Бутунжаҳон махсус Олимпия ўйинлари ҳаракатида иштирок этиш бўйича дунёда еттинчи ўринда туради. Ҳукуматимизнинг Махсус Олимпиада ҳаракатини ривожлантириш бўйича ногирон болалар ва уларнинг ота-оналари билан олиб бораётган хайрли ишлари Бутунжаҳон махсус Олимпия ўйинлари қўмитаси президенти Тимоти Шрайвер томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон ҳукуматининг бу йўналишда амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари ўз халқига ғамхўрликнинг юксак намуналаридан биридир.

28 сентябрь — 12 октябрь кунлари Шанхайда бўлиб ўтган Бутунжаҳон ёзги Махсус Олимпия ўйинларида дунёнинг 174 давлати вакиллари қаторида ҳамюртларимиз ҳам муносиб иштирок этишди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Самарқанд ҳамда пойтахт вилоятларидаги махсус мактаб-интернатларининг 41 нафар тарбияланувчиси спортнинг енгил атлетика, футбол, стол тенниси, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, баскетбол турлари бўйича ғолиблик учун майдонга чиқдилар.

— Жамоамиз Украина, Эрон футболчиларидан кейинги фахрли учинчи ўринни эгаллади, — дейди пойтахтлик Сардор Зокиров. — Уйга бронза медаллари билан қайтаяпмиз. Мен Чилонзор туманидаги 66-ёрдамчи махсус мактабнинг 8-«А» синфида ўқийман. Агар тенгдошларимиз билан астойдил шуғулланса, кейинги олимпиадаларда албатта олтин медалга сазовор бўламиз.

Гена Маркелов пойтахтимиздаги 57-сонли махсус мактабнинг олтинчи синфида ўқийди. У мусобақа дастуридан жой олган спорт гимнастикаси баҳсларида бирйўла олтита (битта олтин, тўртта кумуш ва битта бронза) медалини қўлга киритиб, томошабин ва мутахассисларни ҳайратга солди.

Муҳаммад КЕНЖАБОЕВ.
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионати саралаш босқичи гуруҳ ўйинларида қатнашиш учун Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетди.

Роберт Гай бош мураббийлик қилаётган терма жамоа аъзоларини асосан Республика Олимпия захиралари спорт коллежи, «Пахтакор» (Тошкент), «Нюрнберг» (Германия) жамоалари, футбол интернат-лицейи (Фарғона), Республика Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, «Машъал» (Муборак) ПФК академияси, БЎСМ (Наманган) футболчилари ташкил этади. Ҳамюртларимиз мусобақанинг «D» гуруҳида Бангладеш, Туркманистон, Тожикистон, Фаластин ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари ўсмирлар терма жамоаларига қарши майдонга тушадилар. Гуруҳ ғолиби Осиё чемпионати финал босқичи йўлланмасини қўлга киритади.

Баҳслар 17-28 октябрь кунлари бўлиб ўтади. Ўсмирларимиз илк учрашувда мезбонларга қарши майдонга тушадилар.

Султонмурод ҚАЮМОВ

НАМАНГАН АЭРОПОРТИ

маъмурияти, ХДП бошланғич ташкилоти, касаба уюшма қўмитаси ва барча ишчи-ходимлари юртдошларимизни

қутлуғ Рамазон ҳайити билан муборакбод этади.

Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, рўзғоримиз фаровон бўлсин!

Буюк имкониятлар мамлакати бўлмиш Ўзбекистонимиз шуҳрати оламаро юксалаверсин!

Истиқлол эпкинлари

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида кўркам ва шинам гўша — корейс маркази болажонларнинг севимли масканига айланиб қолган. Одатда, бундай байналминал марказларга кўпроқ ўша миллат вакиллари қатнайдилар. Бу ерда эса турли миллат болалари корейс халқининг бой маданияти ва тилини ўрганмоқдалар.

Марказ раҳбари Дарья Пягай фидойи, серғайрат, ташкилотчи инсон. 2004 йили унинг саъй-ҳаракати билан тумандаги 573-болалар боғчасида корейс тилини ўргатувчи бўлим ташкил топди.

— Марказимизда корейс халқининг шу заминда яшаётганининг 70 йиллигини кенг нишонладик, — дейди Дарья Николаевна. — Биз ушбу тантанали кунда киндик қонимиз тўкилган шу муқаддас заминга, бағрикенг, меҳмондўст, меҳридарё ўзбек халқига яна бир бор миннатдорлик изҳор қилдик.

Мустақиллик бизнинг миллатимиз вакилларига ҳам ўз халқимизнинг бой маданиятини ўрганишга, қон-қардошларимиз билан эмин-эркин алоқа қилишимиз учун имкониятлар эшигини очди.

Юртимизда эзгуликларга эш бўлувчи сахий инсонлар кўп. Байналминал марказга Тошкентдаги «Сувсоз» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳомийлик қилмоқда.

Марказ қошидаги «Кымган» корейс фольклор ансамбли, «Ариран» болалар хори махсус мусиқали дастурлар тайёрлашяпти.

Суратда: *«Теремок» болалар боғчаси тарбиячиси Жамила Жадигарова корейс тили машғулотида.*

Козимжон ЎЛМАСОВ олган сурат.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'daniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949
7860 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 21.50
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda